Биография

Дурдона Худойберганова



Дурдона Сиддиқовна Худойберганова 1960 йилда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилди. 1977 йилда мактабни битириб, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетига ҳужжатларини топширганида оддий абитуриент эмас, балки мамлакатга танилган шоира эди. Университетни битиргач, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг кундузги бўлим аспирантурасига ўқишга киради.

1989 йилда академик Азим Ҳожиев раҳбарлигида “Ўзбек тилидаги ўхшатиш конструкцияларининг семантик ва стилистик таҳлили” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ва мазкур институтнинг “Ҳозирги ўзбек тили” бўлимида катта лаборант бўлиб ишлай бошлади.

Дурдона Худойберганова кўп йиллар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги тилшунослик бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи кенгашининг илмий котибаси бўлди.

Асарлари:

2004 Ўзбек тилшунослиги: ютуқлар ва муаммолар (ҳаммуаллифликда). Филология масалалари, № 1

2005 Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатида “Ч” ҳарфи сўзлиги ва луғат мақоласининг берилиши. “Илм-фан тараққиётида олима аёлларнинг ўрни”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари.Т.

2006 Ёзувчи ва насрий матннинг лисоний хусусиятлари. Ўзбек тили ва адабиёти. № 6

2013 Матннинг антропоцентрик тадқиқи. Т., “Фан”

Copyright © 2022
All Rights Reserved.